

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 257 (7. 346) 1990 йил 10 ноябрь, шанба Баҳоси 3 тийин

XX АСР МУЪЖИЗАЛАРИ
 ● Инсон куч-қувватининг чени-чегараси борми? Мана шу ўта мураккаб савол йўл вақтлар навоҳис қилиб келди, бундан кейин ҳам бу саволга жавоб топши мақсадида ҳали жуда йўл изланилади. Дарҳақиқат, инсон куч-қувватининг чени-чегараси йўқлигини, ҳали замоналар нелик антиқа селхри одамлар борлигини, сирли бу дунёнинг ўзидек чексиз муъжизаларини, яшрин «ҳайт» нималигини билиб бораверамиз. Рўзноманинг 2-саҳифасида юқоридаги руқун остида эълон қилинган мақолада инсон ҳаётининг икки паллини тароз билан эмас, балки уч паллини тароз билан ўлчамганимиз маъбуллиги ҳақида сўз боради.

АНДОДЛАРИМИЗ ИЗИДАН
 ● Ҳа, халқимиз «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деб беиз айтмаган. Утишга етанди, бундан кейин ҳам бу саволга жавоб топши мақсадида ҳали жуда йўл изланилади. Дарҳақиқат, инсон куч-қувватининг чени-чегараси йўқлигини, ҳали замоналар нелик антиқа селхри одамлар борлигини, сирли бу дунёнинг ўзидек чексиз муъжизаларини, яшрин «ҳайт» нималигини билиб бораверамиз. Рўзноманинг 2-саҳифасида юқоридаги руқун остида эълон қилинган мақолада инсон ҳаётининг икки паллини тароз билан эмас, балки уч паллини тароз билан ўлчамганимиз маъбуллиги ҳақида сўз боради.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР
 ● Инсон умри жуда ҳам тез ўтиб кетилди. Кунларни куниб ойлари ўтиб борапти. Бу — табиат қонун, албатта. Лекин бир нарсани ёдан чидараслигимиз керак: ўзимизнинг ишдан бўш вақтларимизни мароқ билан, ҳузур қилиб ўтказишимиз лозим. Шундай пайтларда «Ойнак шаҳон» орқали бериладиган кўрсатувлар дам олиш дақиқаларинизга фойда бағишлайди. Шу нуқта назардан олиб қараганда 12 ноябрдан 18 ноябргача «Ойнак шаҳон» орқали бериладиган кўрсатувлар ранг-баранг этиб режалаштирилганлигини таъминлаш керак. Ана шу режалардан Сиз рўзноманинг 4-саҳифаси орқали хабардор бўласиз.

- Янгиликлар
- Воқеалар
- Шарҳлар

ҒОЛИБЛАР САЁҲАТДАН ҚАЙТИШДИ

● КЕЙИНГИ вақтда қвартал мусобақаси якулиларини ишчиларимиз орақиб кўтиришмоқда. Ғолиб чиққан бригада ёки цех белгиланган мукофот билан рағбатлантирилади.

Мана яқинда 4-цеҳимиз уч кун ишламади. Уларнинг ишламаганидан ҳеч ким таажжубланмади ҳам. Негаки бутун уч ой давомида Абдулазиз Шодмонов ва Акмал Мирболтаев бошчилиги қилаётган 4-цеҳ жағи — 140 киши ғолибликни кўндан беришмаган эди. Шунинг эвазига улар уч кун Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатга кетишган эди.

— Спортчилар ва мактаб ўқувчилари учун тайёрланган сумкалар тобора харидорлар бўлиб борапти, — дейди смена бошлиғи Зулфия Раҳимжонова. — Ишчиларимиз доимо талабчан, ишта чанқоқ. Шунингдек бири-бири билан иноқ.

Бирлашмамизда бирон-бир тадбир ўтказилмаган бўлса мана шу цех аъзоларининг маҳоратига тан берамиз. Яқинда биринчи ва иккинчи смена ўртасида ҳозирги доллар мавзуларида, жумладан, ахлоқ ва одоб, турмуш шодликларини ташвишларига оид театрлаштирилган кўрсатув ўтказилди. Бу цех ҳам бирлашмамида энг фаол ва жамоатчи цех ҳисобланади.

Ф. ҒУЛОМОВА,
Тошкент «Ороу» чарм-торлик ва спорт буюмлари бирлашмаси жомеаси кўмитасининг котиби.

ЭЪТИҚОД БЎЛГАН ЖОЙДА

ҲОЗИРГИ қайта қуриш ва ошқоралик даврида партия ишининг ҳам тубдан қайта қурилиши унинг мавқеи тикланишида, партия обрўси мустаҳкамланишида муҳим оми бўлди. Эндиликда ишчиларнинг партияга, унинг раънақиға, келажакига бўлган ишончи ва эътиқоди ортиб борапти. Шаҳримизнинг йирик ишлаб чиқаришларидан бири — Ўзбекистон тўйимачилик машинасозлиги бирлашмасида ҳам ана шундай эътиқодли, партия ишига содиқ коммунистлар кўпчилиги ташкил этилди. Яқинда уларнинг сафи ана биттага ортди. Ун йилдан ортиқ мазкур бирлашманинг кутубхонасида илчи-хизматчилар онига эиб тарқатилди, уларнинг энг яқин маслаҳатчисига айланган қолган Махтурохон Усмоновиёрова завод жамоаси, унинг фаол коммунистлари юксак ишонч билдириши, Махтурани ўз сафларига қабул қилиши.

— Партия ўз бошидан шундай огир дамларни кечираётган бир пайтда коммунист бўлишга сизни нима мажбур этди, — деб сурашди баъзан ҳаммасларим, — дейди Махтура биз билан суҳбатда. Уларга қисқагина қилиб, «— Партияга бўлган ишонч ва эътиқодим», — деб жавоб бераман. Ҳа, шубҳасиз, мен партияимизнинг келажакига ишонаман. Унинг жамиятимиз тараққиётида яна етакчи куч бўла олишига, ўз сафини содиқ, ҳалол ва виждонли коммунистлар билан мустаҳкамлаб, қайта қурилишнинг олдинги сафида бўла олишига ишонаман. Ҳозирда ўз фикрида собит бўлмаган баъзи бир коммунистларнинг партия сафидан чиқиб кетётганларини кўриб, ана шундай мураккаб вазиятда партия сафига кирганимдан, танлаган йўлимининг тўғрилигидан фахрланаман. Илгарилари коммунист бўлиш, айниқса, эибдилар учун анча мураккаб эди. У

вақтлар кўпроқ илчи синфи сафидан энг муносиблари партияга қабул қилинарди. Уша пайтдаги орузминг орадан шунча муддат ўтиб ушалгани, ёшим 39 га тўлганда коммунист деган фахрли ва шарафли ном эгаси бўлганимга ачинамайман. Негаки, келажакда Коммунистик партияимиз янада раънақ топиб, фарзандларимизнинг фаровон турмушини таъмин этади. Узим ҳам тўрт фарзандимнинг онаси сифатида партия ва халқимизнинг бошлаган эзгу ишидан умидим катта. Фарзандларимни партия гоиларига, унинг ёруғ ва пок йўлига содиқ қилиб тарбия қилайман. Бугунги кунда эса, коммунист сифатида партияимизнинг айни дамлардаги ошқоралик ва демократиялаш жараёнининг машаққат билан кечиб ўтганини кўриб, бу жараёни тезлаштириш ва қайта қуриш ишига муносиб ҳисса кўришни ниятман.

Шу кун мазкур ишлаб чиқаришда бўлиб ўтган партия бюроси йиғилишида

Яхши малҳам

● ТОШКЕНТ давлат дорилфунуни кимёгар олимлари томонидан олиб бориладиган изланишлар самарали яқунлашмоқда. Биокимёвий хусусиятга эга бўлган янги шифобахш дори-дармонлар ҳам жиддий тадқиқотлар натижаси ўлароқ юзага келди.

Қонни тўхтатишда яхши малҳам бўлиб хизмат қилувчи янги дори «Лагоден» деб аталмоқда. Турли зарарли ҳашаротларга қарши курашда қўлланиладиган «Эдил»

кимёвий модда ҳам жиддий илмий ютуқ бўлди. Қувончли томони шундаки, олий ўқув юрти тадқиқотчиларининг бу самарали изланишлари яқинда Тошкентда ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари олимлари учинчи минтақа йиғилишида алоҳида маъруза мавзуси сифатида баён этилди. Мазкур илмий талбир Тошкент давлат дорилфунунининг 70 йиллик тўйи олдидан амалга оширилди.

А. АЛИЕВ.

ТАЖРИБА ГУРУҲИ

● ПОИТАХТДАГИ 35-билим юрти ўз фаолияти давомида биринчи марта ўқувчиларининг тажриба гуруҳини қабул қилди. Бу гуруҳдагилар 3 йил эмас, балки 2 йил тахсил қуришади. Ҳозирча унда 30 нафар ўқувчи билим олмоқда. Улар ўқув юртига тугатиб малакали бўёқчи, дурадгор ва газ пайвандловчи бўлиб етишади. Кейинги ўқув йилидан бундай ўқувчилар сони икки ҳисса кўпаяди.

Обуна—91:

«ОҚШОМ»ГА ЁЗИЛИШ ЁДИНГИЗДАН ЧИҚМАДИМИ?

Бугун биз «Оқшом» рўзномаси азия муштарийларини хотиржа қилмоқчимиз: уларнинг кўндан кўп илтимос ва истақлари ҳисобга олинган ҳолда бошқа нашрлар натори «Тошкент оқшом» рўзномаси учун ҳам келгуси йилга обуна муддати 1990 йилнинг

1 ДЕКАБРИГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛГАНЛИГИНИ яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Демак, муштарийларимиз келгуси йилнинг 1 январидан уларнинг «Оқшом» рўзномаси кўриб бориш учун шу кунларда обунага расмийлаштирилган керак. Унинг бир йиллик обуна баҳоси 17 сўм 40 тийин эканлигини, яъни йил учун 8 сўм 70 тийин, 3 ойда 4 сўм 35 тийин тўлаш кераклигини биласиз. Энг муҳими бугунги илчи эртлага қўймай, ўзингиз илаш турган ёки ишлаётган жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз, олам гулистон. 1 йил мобайнида «Оқшом» рўзномаси Сизнинг яқин маслаҳатчиңиз ва сирдошнингиз бўлиб қолади.

Келинг энди, ҳамир учидан патир деганлардек келгуси йили «Тошкент оқшом»да мунтазам равишда эъдон қилинадиган материалларнинг қисқагина мундарижаси билан танишинг.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» 1991 ЙИЛДА:

● ОИДА ИККИ МАРТА — «МАХАЛЛАДОШ» ИЛОВАСИ

- «ШАНБА ОҚШОМИДА»,
- «АДАБИЁТ ВА САНЪАТ»,
- «ОДОБНОМА»,
- «НАЗОКАТ»,
- «САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР»,
- «02»: ХАБАРЛАР, ҲОДИСАЛАР»,
- «КУЛГИХОНА»,
- «ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ»,
- «ОЙНАК ЖАҲОН» КЎРСАТУВЛАРИ РЕЖАСИ.

- ЭНГ СЎНГИ ЯНГИЛИКЛАР,
- ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР,
- МУТАСАДДИЛАР ФИКРИ,
- ТОШКЕНТ, ЖУМҲУРИЯТ, ИТИФОҚ ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАНИҚЛИ АРЕБОЛАРИ,
- МАДАНИЯТ, ФАҶ, СПОРТ НАМОАДАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАРИНИ

ЕРИТЕБ БОРАДИ.

ЭСЛАТМА: рўзнома муҳарририяти жуздонверда келаси йили «Оқшом» юзими кўрадиган яна кўндан-кўп қизиқарли мавзулар, янги руқунлар турибди. Ана шулардан ҳам биз кунларда азия муштарийларимизни хабардор этамиз.

ҚИЗГИН БОРМОҚДА

КИРОВ районидagi «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия кўмитаси ва касса уюшмаси корхонада матбуот нашрларига обуна тўлашга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Ҳозиргача бу ерда 550 нуска «Ташкентская правда», 550 та «Тошкент ҳақиқати», 250 та «Совет Ўзбекистони», 1020 та «Тошкент оқшом» рўзномалари, 600 нуска «Саодат» ойномасига обуна расмийлаштирилди. Ҳаммаси бўлиб 102 минг сўмлик обуна ҳужжатлари тўлдирилди.

Бирлашма маъмурияти, касса уюшмаси ўз жағмараларидан 60 минг сўм маблағ ажратиб касса пенсионерларга, кўп болали илчи аёлларга рўзнома-ойномаларга бепул обуна қилишни ташкил этдилар.

Корхона партия комитетининг фаолларидан Мавлуда Мухаммадзонова, Нина Зверьтайлолар тарғибот ишларини кўнгилли олиб бориб, ўзлари меҳнат қилаётган цехларининг ишчиларини ёлпасига турли нашрларга обуна қилишга эришдилар.

«Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия кўмитасининг котибеси Г. Григорян бизга шундай деди:

— Обуна тўллаш муддатини ноябрь ойининг охиригача узайтирилганини яхши бўлди. Бирлашмамизда 5500 киши-хизматчи ишлайди. Шулардан ҳозиргача 4000 киши турли нашрларга обуна бўлишди. Фаолларимиз шу ойнинг охиригача қолган 1500 киши-хизматчиларини ҳам обунага жалб қилиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Илчи-хизматчиларимиз кўпроқ «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларига қизиқиб обуна бўлмоқдалар.
А. НАБИХҲАЕВ.

Ушбу суратларда Собир Раҳимов ноқияси ички ишлар бўлимининг иш фаолиятидан лавҳалар акс этган. Юқорида — балоғатга етмаган болалар катта инспектори милиция майори Дилором Ҳасанова. У «СССР милиция аълочиси». Д. Ҳасанованинг турмуш ўртоғи подполковник Р. Аҳмедов ва ўғли капитан Ш. Аҳмедовлар ҳам ўз ҳайтларини ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишга бағишлаган.

Ўнда (юқорида) — кавабати ёрданчиси ички сержант Н. Айжибеков (чапда) ва БХСС бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани, «СССР милиция аълочиси» Д. Турсунов оператив аҳвол билан танишимоқда.

Оператив гуруҳ жиноят содир бўлган ерга жўлаб кетаяпти (ўнда, пастдаги сурат). Улардан ҳеч қандай тартиб бузувчи, жиноятчи қочиб қутула олмайди.

Т. Каримов суратлари.

ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

● «МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига хоржда тайёрланган жиҳозлардан кўлаб келтирилмоқда. Бу жиҳозлар эски усуллардан ўрнига ўрнатилган натижасида бирлашмада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати янада ортмоқда. Яқинда ана шундай жиҳозлардан бири келтирилди. Англия-Италия корхоналарида тайёрланган бу машина маҳсулотини бундай ишлатилади. Ҳозир ана шундай жиҳозлардан учтаси ишлаб турибди. Бундан ташқари Япониядан келтирилган ўн олтига, Германиядан келтирилган олтига жиҳозлар ҳам маҳсулот сифатини янада яхшилашда катта ёрдам бермоқда. Бирлашма меҳнатнашлари тайёрланаётган маҳсулотларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

А. ФАЙЗИЕВ.

ИШБАЙ АСОСИДА

«ШАРҚ гули» бадий буюмлар фабрикаси ҳақида гап бораганда нўа олдингизга дархон сўзана, дорпеч, дўпни сингари миллий буюмлар келади. Чиндан ҳам корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг турлари жуда кўп. Бундай буюмлар попоп цехларидан тайёрланади. Бу борада цехнинг Матлуба Исаева раҳбарлиги қилаётган бригадаси аъзоларининг иши диққатга сазовордир. Бу ерда 18 нафар илчи ишлайди. Бригадада ишлаган уластакан синоу уластакан десак ҳам бўлади. Негаки фабрика расомларидан ташкиф қилинган чизмалар шу ерда тиниб қўрилади. Айни кунда улар гулқўрға, ҳар хил гуллар содиган ёстиқ қилдиларини тикишмоқда.



Ташкент шаҳар милицияси ва БХСС бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани, «СССР милиция аълочиси» Д. Турсунов оператив аҳвол билан танишимоқда.

Байналмилал жамоада

СУЛОЛА

Чилонзор районининг ютуқларига илғор корхоналардан бири ҳисобланган Тошкент неон-қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинатининг жамоаси салмоқли ҳисса кўшмоқда. Шаҳримиз аҳолисини оҳтиёкга яраша сифатли неон-қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида комбинатта Италиядан келтирилган макарон ишлаб чиқаришга мослаштирилган янги ускуна ўрнатилди. Ҳозирги кунда бу ускунада кунига 28—35 тонна сифатли макарон ишлаб чиқариламоқда. Йил давомида бу кўрсаткич 10 минг тоннага ташкил қилади. 72 хил неон-қандолат маҳсулотини ишлаб чиқараётган бу корхонада кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган Ноиб Иброҳимова, Олимжон Аҳмадоҳунов, Ульяна Портнова, Ўткир Абдуллаев ва Раҳима Ҳасановалар кўпчиликлка ўртак бўлишмоқда.

Корхонада шунингдек, онлайин сулолалар кун сайин кўлабиб бормоқда. Улардан новот цехининг бригада етабисси Олимжон Аҳмадоҳуновнинг онлайин сулоласи жамоада ишлаб чиқариш илгорларидан ҳисобланади. Олимжон аванинг Қобилжон, Тўлқинжон ва Ўлғунжон каби ўғиллари мана бир неча йилдирки, ота насабини ардоқлаб келмоқдалар.

Ғ. ЖАМОЛОВ.

Шанба оқшомида Шанба оқшомида Шанба оқшомида Шанба оқшомида Шанба оқшомида Шанба оқшомида

ИНСОН куч-қувватининг чеки-чегараси борми? Мана шу ўта мураккаб савол кўп вақтлар жавобсиз қолиб келди, бундан кейин ҳам бу саволга жавоб топиш мақсадида ҳали жуда кўп изланилади. Шу ўйлаганимда Хиндистонда юз берган ва ақл бовар қилмайдиган воқеалардан бири ёдимга тушади. Ҳинд аёли беш яшарлик фарзанди билан Бобур қурдирган мақбаралар атрофида сайр қилиб юрарди. Кутилмаганда мақбараларнинг бири кулаб тушиб, аёлининг фарзанди устулардан бирининг тағида қолади. Талвасага тушиб қолган она бир қўли билан устунни азот кўтарибди, иккинчи қўли билан фарзандини қутқаради...

фазода ҳосил бўлар экан, бу яхши алаббат. Лекин у қувватнинг, аниқроғи ҳодисанинг инсонларга қандай алоқаси бор? Бу борада, келин, бир ноёб қобилиятли дўстим билан бўлиб ўтган суҳбатни келтирай.

— Авф этасиз, дўстим! Сизни ноёб қобилиятлисиз деб эшитдим, шу ростми?
— Билмадим. Ҳар ҳолда синиб кўрсангиз баҳони ўзингиз кўрсангиз.
— Кечирасиз! Сирингизни айтмайсизми?
— Йўқ.
— Нега?
— Агар сирини сизга айтсам, менда қувват қайта тўпнамайди, аниқроғи уни йиғолмайман.
— Қардан йиғасиз?
— Менга беришадим.
— Ким?
— Бу сир.
— Демак, сирингизни ҳеч кимга айтмас экансизда?
— Нега энди. Айтишим мумкин.
— Кимларга айтишингиз мумкин?
— Ўз шогирдларимга.
— Тушунмадим.
— Тўғри, тушунмаслигингиз мумкин. Чунки бизнинг тоғмаи-

мумкин. Ўз бағрида шундай тақдорланган электр майдонини ҳосил қилдики, бу майдоннинг фақатгина бўлама ташкил этувчиси бўлиб, у фазода манфий ўтказувчанлик ҳосил қилади ва бунинг эвазига доимо қувват билан татминланиб туради. Шу боис бундай майдоннинг тўқинлари ҳеч вақт сўнмайди. Шуниси қизиқ-ки, бир онда айланб чиқиши мумкин. Ана шу назарий фикр парапсихология фанининг ҳанузгача бизга номаълум бўлган феноменларнинг сирини очишда асосий калит бўлиб хизмат қилади.

Буни қарангки, инсонларни ҳам табиатнинг бир бўлаги деганимиз бежиз эмас экан. Эеро, инсонлар ҳам коннотни кезиб юрган ўша беташвиш тўқинлар каби ўзидан тўқинлар нурлар экан. Бундай тўқинларнинг манбаи сифатида инсонларнинг қувват марказлари ва каналлари хизмат қилар экан. Бу тўқинлар ҳам коннотнинг юқорида айтган тўқинлари каби ташқи муҳит энергиясидан тамадди қилиб, абадул-абад сўнмай олам кезиб юрар экан. Вожаб! Буни-ку илм-фан ва унинг намояндалари текшириб, кўпгина тажрибалар на-

ди. Сайёрамизда истиқомат қилувчи барча соҳиб ва соҳиблар ҳақидаги ахборот самонинг ҳамма нуқталарида бор. Соҳиб ва соҳиблар тарафдан тўқинларнинг мажмуаси самода бир бутун марказий қувватий майдонини ташкил этади. Ана шу майдон ташкил қилган сфера ноосфера деб аталади. Шу пайтгача биз «илохий куч», «қудратли куч» деб келган диний тушунчалар, балки шу марказий қувват майдонининг кучидир. Ахир у майдоннинг кучи ҳам илохий ёки қудратли куч каби катта ва у куч қила оладиган юмушлар каби юмушларни қила олади-ку! Агар шу рост бўлса, «илохий куч» деган сўзга ҳам ҳеч қандай диний тушунчалар йўқ. Фикримизнинг далили учун, келинг, олимларимиз томонидан ўтказилган бир-бири тажрибалар билан танишайлик. Тажриба, марказий телевидениенинг диктори В. И. Балашов, математик С. М. Чернетская ва педагогика фанлари номзоди А. Ф. Кривцовлар билан олиб борилган.

Чернетскаяга тўқиз ёшли бола-нинг фотосурати берилди ва ундан бола-нинг ҳозирги тақдирини сўради. Шунда Чернетская шундай жавоб қайтарди: — Бола ҳозир йигирма бир ёшда. Унинг севгилиси бор. Севгилиси тикув ишларини севади. Шундан кейин Чернетская бола-нинг ҳам, севгилисининг ҳам ташқи қиёфаларини тасвирлайди. Ҳатто бўлгуси келинининг турар жойига ҳам айтиб беради. Текширишганда Чернетская мутлақо хато қилмаганди.

В. И. Балашовга ишдан чиққан радиоқураллардан бирини беришди ва унинг айбини топишни буриштирдик. Балашов уни бир қарашда топади. Шуниси қизиқ-ки, бу қурилмани айбини бирорта устуман тополмаганди. Хуллас, бу ва шу каби мисолларни ўйлаб, ҳатто юзлаб келтириш мумкин. Лекин шу кўнларда бизнинг вилоят қўловчиси, жумҳуриятимизда номлари таралиб кетган ноёб қобилиятли одамларимиз ҳақидаги муаммоларга яқин элаш мақсадида, ноёб одамларимизнинг электр-радио моделини тузган ва у моделлар устида олиб борилган тажрибалар натижасида олимларимизнинг олган хулосаларини бир-биринини эслатиб ўтиш жоиздир.

Экстрасенсинг қўлини ташқи муҳитдан ҳимоя қилинган герметик кварц генераторга яқинлаштирилди. Шунда экстрасенс генераторга қайта тасвир этиб, ундан таралаётган тўқиннинг тақдорлини сони, яъни частотасини ўзгартириб юборди. Тўғри, бу ҳодисага олимлар ишонмасликлари мумкин эди. Лекин ўша экстра-сенсинг электр-радио моделини ўша генераторга яқинлаштиришганда ҳам худди ўша жараён қайтарилди.

Экстрасенсингнинг қўлини ўзига яқин қилаётган қобилиятларидан яна бири, улар истаган жойларда, масалан, унинг бурчагидими, э бўлмас саҳнадами, худлас ҳаёдан инсон шаклини ясаб оладилик. Бу ҳодиса моделда синиб, аниқланди. Аммо модель учир-риганда ҳам одам шаклини намоян этиб турган парда («обочо-на») йўқолиб кетмади. Бу эса, инсонлар миеси ҳам бўйлама ташкил этувчи биотўқинлар нурлатиш-лиқидан дараж беради. Буларни ҳисобга оладиган бўлсак, ноёб қобилиятли одамларимизга, фақатгина ишонибгина қолмай, балки бундан кейин ҳам уларга ўқшаш, ҳатто улардан ҳам кучли қобилиятга эга бўлган одамларнинг пайдо бўлишига ҳам ишонмоқ керак. Инсон куч-қувватининг чеки-чегараси йўқлигини, ҳали замонлар келиб антиқа сеҳрли одамлар борлигини, сирли бу дунёнинг ўзидек чекисиз муъжизаларини, яширин «ҳаёт» нималигини билиб боваремиз.

Тўшкент КАРИМБЕРДИЕВ, Тўшкент политехника институтининг доцент, техника фанлари номзоди.



Уйларимизни шароғон элтаётган турли-туман ёриткичлар шахримиздаги маънавий элестр асбоблари ва ҳўжалик буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасига таёрланади. Ушбу суратда сиз ана шу жамоанинг илгор

сирновчиси Фотима Мирсолиховани кўриб турибсиз. Электр асбобларнинг беиқисон ишлаши кўп жиҳатдан унинг маҳоратига боғлиқ. Х. Солтқов сурати.

XX аср муъжизалари

ТАРОЗИНИНГ УЧИНЧИ ПАЛЛАСИ

даги одамларга ҳеч ким тушунмайди. Ҳатто олимлар ҳам. — Нега? — Чунки бизга ўқшаш ноёб қобилиятли одамларга ишонмайсизлар. Мана, сизни олайлик. Сиз меннинг сирини ўрганимоқчисиз, ҳолос. Ўрганиб олгач, ўша онинг ўзидаёқ мақола ёзасиз. Лекин сизнинг бизга каби беморларни тизуати ҳаёлинингизга ҳам келмайди. (Унинг айтганларга тўғри эди). Ҳақиний шогирд-у, бошқа одам. Улар бизнинг йўлдан кетиб, беморларни тизутади. Шу боис «улар» бизга қувват бериб туради.

— «Улар» ким?
— Бу ҳам сир. Очиғини айтсам, биз ноёбларга сирини айтиш ман қилмади. Тушунтира олган бўлсам керак.

— Раҳмат... Мен бу суҳбатнинг мағзини чақини учун узок вақт ўйлаб юрдим. Ниҳоят, муаммоним ечди. Дўстимиз тўғри айтган эди-ку, лекин у биосферанинг кўпгина фанларидан нотаниш бўлганини учун ўзида ҳосил бўлаётган қувватини «улар» берадилар, деб тушунарди. Бу унинг камчилиги эмасди! Беморларни боқибгина келганда эса, ундан устаси фаранг йўқ эди, ваҳоланки, табобат илмидан беҳабар бўлса ҳам... Ҳўш, инсонларда бу сеҳрли қувват қандай пайдо бўлади? Маълумки, Ер юзиди инсоният пайдо бўлганда, фақат тиббиёт илми эмас, ҳеч бир илм-фандан ҳам дарак бўлмаган. Лекин, ўша пайтларда тақрирланувчи оламда, оламнинг кўчи бутун олам тортиши кучидан катта эди. Шу боис олам кенгайиб боради. Қарда олам кенгайар экан, унинг табиати фақат илгари томон ривожланади. Шундай экан, барча мавжудотлар каби инсонлар ҳам илаши ва олға қаддам қўйиши керак. Яшаш учун курашиш керак. Бу табият қонуни. Лекин курашиш учун инсонда ҳеч қандай қурол йўқ. Мабодо бетоб бўлиб қолгудай бўлса, дорини дармон йўқ, аниқроғи табобат аҳли-уларнинг кўрсатмалари йўқ. Шунда табият инсонларга қувват, юқорида айтганимиздек «буш» фазо яратган. Яна шунини қўшимча айтиш

тижасида шундай хулосага келишди. Лекин бу ҳақда бобоконларимиз азалдан таъбириб, бизларга панд-насихатлар қилиб келарди-лар-ку! Уларнинг айби, фақатгина у тўқинларнинг руҳ деб атаганларини? Ахир улар ҳам руҳларини абалли сўнмайди, дейишди-ку! Уларнинг айби: «Сен марҳумларни йўқлаб тур!» Қанчалик кўп йўқлаб, улар шунчалик сендан узоқлашиб кетмайди», деганларидими? Йўқ, бу уларнинг айби эмас, балки бу илмий тушунчаларини оддий сўзлар билан тушунтириб бериш йўлларидан берибди. Келинг, уларнинг илмий тушунчалар асосида таҳлил қилайлик.

Маълумки, бир оламнинг кўпчилигида улар тарафдан тўқинларнинг фазо ва частоталари бир-биринга ўз фозис ўқшаш бўлмас-да, ҳар ҳолда яқин бўлади. Шундай экан, у тўқинлар бир-бирларини билан ўзаро қўшилиши мумкин. Буни фан эътироғи қилолмайди. Шу боис ҳам марҳумларнинг самодда кезиб юрган тўқинларини бобоконларимиз абадул-абад, учмас дейдилар. Демак, бобоконларимизнинг панд-насихатлариди ҳам олам-олам маъно бор экан. Буни биз ерлик инсонлар унутмаслигимиз керак. Агар биз бобоконларимизнинг бизга қолдирган фикр ва мулоҳазаларини замонавий илм-фан ёрдамида тушунтириб беролмасаккина, биз уларни диний тушунчалар деб қарашимиз керак. Шу боис ҳаётини ўйлаётган пайтда икки паллада тароз билан эмас, балки у паллада тароз билан ўлчанганимиз мақбул. Боиси, ҳаётининг ана шу уч паллада тарозисининг учинчи палласида яширин «ҳаёт» ётади. Токи, биз ерлик инсонлар ана шу яширин «ҳаёт»ни ҳам кундалик ҳаётимиз билан бир-галлада олиб бормас эканмиз, фақат «ҳаёт» деган тушунчага эмас, балки, табиятга, унинг ўзига хос фазилатларига ҳам тўғри баҳо беролмаймиз...

Бу келтирилган фикрларнинг яна бир муҳим аҳамиятли томони борки, гарчи у ҳақда яна кўп изланишлар талаб этилса ҳам, унинг эслатиб ўтиш жоиздир. Бу ҳақда академик Вернадский шундай дей-

Унутилаётган меросимиз

НАМАТ—ЖОНГА РОҲАТ

ҚўШНИМИЗНИНГ ҳовлисида супа бор. Қишини эслатмайман. Супа усти берк, сўри кавати эслатади. Доим тўшаб қўйилган на-матга қараб ўйга толман. Кўпчилик гилам устига қўйлача солиб, ёстиқлар қўйиб ўтиришади. Қўш-нининг супасида эса наматдан бўлак ҳеч нарса кўринмайди.

Ҳар сафар супа ёнида гурунглашиб ўтирган чол ва келин билан сўрашиб ҳовлига ўтман. Собир ота анча доно одам. Кўп нарсани библиш-ларидан хабарим бор. Бир кун вақт топиб, суҳ-батларини олай деб, супага ўтирдим. Гап айланиб, намат ҳақида борди.

— Жун қадрига етиш керак ўғлим, — деди отақон чой қўйиб узатар экан, — ундан тўқинган намат қадимдан одамлар ҳаётини сақлаб келган. Бир пайтлар ерўлалар тупроқни, поли йўқ оддий ўйларда ашаганимизда зах ўтказмай ҳаммининг жонига оро кирганиди.

Суҳбатдошим қизиқиб жун, намат ҳақида куй-иб-пишиб гапиратганига тушуниб турибман. Аммо бундан кейинги авлод буларни биларми-кан деган фикр тинчлик бермасди.

— Намат деган нарса сира исроф бўлмаскан, — деди Собир ота суҳбатни давом эттириб. Жуда парчаланиб кетгудек бўлса, қилиш, этик, ботинка-га патакка яради. Оёқни заҳдан сақлайди, бод келмайди. Занги бува ҳақида кўп хикоят эшит-ганман. У киши аслида поддочи бўлган эканлар. Ҳар қандай совуқ, зах сира тасвир қилмаган. Сабоби, кийган чорчиқларга қават-қават патак солинган экан. Ахир патаклар сони қирқка ет-ганда ниҳоятда кучга тўлибдилар. Турмуш сирла-рини пухта билиб доғимандлик даражасига кўта-рилганларда халқ авлиё деб атаб бошлабди. Шундай бўлса ҳам Занги бува одамийликдан чиқиб кетмаслик учун чўпонлик кийимларини ўтиридан жонига олиб, чорчиқ тез-тез қараб қўяркан, лар... Жун ҳақиқатан ҳам саломатлик учун қони фойда. Бир пайтлар шомоллаганидан бўлса керак, оёқ оғригига учраб қолдим. Бир йилча эса чекдим. Иссик ҳаво, парафин ва бошқа муолажа-

лар сира ёрдам бермади. Халқ шифокорлари — табибларга кўрсатишга тўғри келди. Табиб қайна-ган сувни намагга қўйиб, совигач, оғриган оёққа ўраб, у маҳал даэмол босинг, деди. Яна каттароқ оёқ кийими олиб, тағига патак қўйиб ёзини-кишин юраверинг, оғриқдан асорат ҳам қолмайди, деб қўйиб қўйди. Унинг маслаҳатига амал қилганим-нинг дастлабки куллариёқ, фойдаси билинди. Оёқ оғригидан бора-бора кутулдим.

Кўй жундан намат босиб тайёрлаш Шарқ мам-лакатларида қадимдан одат тусига кирган. Ут-овлар усти ҳам шундай буюм билан қопланган. Этиқ, бош кийимлар наматдан тикилган. Пийма-лар эса аскарларни совуқдан заҳдан сақлабди. Яна бир мисол: азалдан кишининг бирор-бир аъзоси енгил жашоқатига наматни куйдириб бо-сишган. От ва эшак эгар-жабулларни, тўқинлар, бўйинчаларига ҳам хали-ҳануз наматдан фойдала-нилади.

Музейларни айланганимизда Ўрта Осиё ва Қо-зогистон жумҳуриятлари халқлари томонидан бо-силган хилма-хил наматларни кўрдик.

Намат тайёрлашнинг ўзини хос усуллари борли-гини кўпчилик билса керак, мутахассисларнинг айтишича чий, бўйралар орасига жунлар ёйиб, бир текис қўйлади. Уни устидан совулган сув қўйилгач, тахта-ўқолганда хамир ёйгандек, жун чийларга ўралиб пишийтилади. Бир неча марта у ёқ-бу ёққа думалатилади. Босилган намагга бўёқ-лар билан турли нақшлар туширилади, яна ишлов берилади. Шундай меҳнат жараёнидан сўнг намат пайдо бўлади. У қана яхши босилса, шунча пухта чиқади.

Намат халқимиз санъати орасида гилам, шолча-ларга кўра анча қўлай, пишиқ, арзон рўзгор буюмларидан бири ҳисобланади. Ҳозир ҳам ке-ксаларимиз ашбатган кўп-лаб хонадонларда ундан фойдаланишарти.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон ССЖ Давлат санъат музейининг илмий ходими.

ҲИСОБГА ОЛИШ ВАРАҚАСИ

Пойтахтдаги 254-мактабда бошқа-рувийн ҳисобга олиш варақасидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бунда ҳар бир фан ўқитувчиси учун алоҳида ва-рақа тутилган. Ана шу ҳужжатга ўқи-тувчининг икбийи томонлари қайд этиб борилади. Масалан, бирор ўқи-тув-чининг нутқи яхши бўлса, бошқа бири-

нинг дарс олиб бориши яхши бўлади. Қисқаса, ўқитувчилар дарс ўтишда би-риридан фарқ қилади. Бу маълумотлар варақада тўлалигича ўз аксини топади. Шуларга асосан варақалар ўқитувчи тўғрисида аниқ маълумот бера олади.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.



«Кўз шамолда шовулган дарахлар...» Р. Шарипов сурат-лаҳзаси.

Шанба фелъетони

МАЙ ИЧИБ МАЙНА БЎЛГАНЛАР

ёки шаҳар ҳушёрхоналарида тунаётганлар ҳақида

ЯҚИНДА бир тўйда жанг бўлиб кетди. Беш-олти «жўжақўроғ» «банияти шифо» деб беш-олти култур эркини жингидонга урғач, дажан кўродек аввалига гина-куду-ратини ўртага солиб даванга жангин, сўн-га «көратэни» бошлаб юборишди. Йиллаб йилиб, яхши кунга — тўйга етган ўз эмининг маҳсулларининг хайрияти эса «минус нулган» тушиб кетди. Хайрият милли-ция бор экан, бунда келиб тинчтиди, кимдир бўлима, кимдир хушёрхонага кетди. Акс ҳолда қон тўқилмиш турган гап эди. Бу билан бизнинг «жўжақўроғлар» Пифагорнинг нечоғлик ҳақ эканини яна бир бор исботлашди: «Мастлик — ақлдан озми маъжидир».

Базан ўйлаб қолсан, ишвишини ичиди жингла қилиб турган «маҳлиқо» наҳотки минглаб, миллионлаб одамларни шушчални ром этган бўлса! Ҳа, кичик бир кўтириш ҳам шу оғусиз ўтмай қолди. Икки уфат бирлашди, «кўтгар-кўтгар» қилинса келиб қолади. Нафс ўтгар ўтган, бир «кла-пан» очилдики, домига тортаверади. Ай-ларни айтмайсизми, «гап-гаштақда» таллаб ичшади! Ҳа, тава... Лекин бирор бир аёл кишининг хушёрхонага тушганини кў-рганмиш! Э, воҳ, каминга кўрган... Дарвоқе, гапимиз хушёрхона ҳақида эди! Шаҳарда маст кишини хушёр қиладиган хушёрхоналар кўп. Кўпчилик, ай-ниқса, сурунсига «тормосинин» билмай тортадигонлар бунини яхши билишади. Баз-илер хушёрхона хизматчиларидан миннат-дор ҳам бўлиб қўйишади. «Бу ерда ўла-ри ечинтиришади, совуқ сув пурнашади, кўрпа-тўшакка ётқизиб қўйишади... Ҳа, энди арақни туядек симириб, кўна-қўйда думаллаб юғиб етгунча кетурман деб, ўтганининг ўрғини, кетганининг кетмо-нини олгандан кейин хушёрхона хизматчи-лари «хизмати кўрсатади!» Мана 1954 йилда туғилган чилонзорлик Олег Владимирович Киселев хушёрхона-нинг доимий мижозига айланган. Ҳа, энди «Декор» деган ширкатда пайвандчи бўлиб

ишлагандан кейин, «соққа» кўп тушади! Пул одамни бузади, деганлари аниқ. Олғач ҳам пул бўлса чангалда шўрва деб, топганини жингидонига уради. «Кўш-ўсда» кўрганни қилади деганларича ҳам бор. Унинг ониси Александр Киселе-вич ҳам қиттақиттак отиб туради. Узи кир ювиш комбинатида суғурчи бўлиб иш-ласа ҳам, яшириб вино-аракни «чаёқаб» туради. 13 сентябрь кунини давлат нарҳи 2 сўм 20 тийин турадиган винони 5 сўмдан пуллаётганида ОБХСЗ ходимларига дуч келиб қолди. Кўза синиб, шароб тўқилди. Мисқоллаб йилгилан обрўга ҳам пугур етди... Олег эса шу йилнинг ўзида уч мар-та Акмал Икромов ва Чилонзор району хушёрхоналарида «хуштан» чашиб чиқди... Хушёрхона эсли қизиқ жой-да! Ҳажачи азувчилар шу ердан талай мавзу олсалар бўлади. Кейф ҳам ҳар хил бўларкан, ким-дир йилгадиди, яна бирор кўлдан, учинчиси «Фирғона» тоғ отгунганини кирғоғи қилади. Мирзоқид Мирзақудович Мирқосимов тупта-тузук жойда ишлади. Яъни сўт ком-бинатида чилангар. Кўрганлар фақат сўт ичса керак, деб ўйлаш мумкин. Аммо у бўлса арақ ҳам ичаркан. Бунга Чилонзор району хушёрхона хизматчилари икки марта уни хушёрхонага ўзини билмаган ҳолда олиб келишганда, ҳайрон қилишди. Аввалига сўт ҳам кейф қиларканми, деб ўйлашди. Аслида у арақ ичган экан... «Мазан қилиб хушёрхонада тоғ отти-риди... «Кўп ичган — белога йўлқер», деганлари шу бўлса керак-да!

Ичкиликбозларнинг баҳонаси кўп. Жек Лондон айтганидек, «Биз муваффақиятсиз-ликка учраганимизда, заифлашганимизда, чарчаганимизда кейф қилиш доимо бизга ўз қўлини чўзади ва бу аҳволдан қутулиш-нинг фойда осон йўлини кўрсатади. Бирок ўнинг ваъдалари ёлгон: у вақда қиладиган жисмоний куч соядан иборат. Рухий кўта-ринкилик эса сохтадир. Ичкилик таъсирдан-би нарсаларининг қиймати доир соф тушу-нчани йўқотамиз».

Тўтамурод ТОШЕВ.

ЭРАМИЗДАН аввалги III—II миң йилликларда Евроосиёнинг асосий маданий марказларини бирлаштирувчи йўллар тармоғи шакллана бошлади. Немис географи, шарқшунос олим Ф. Рихтгофен 1877 йилда ётган «Хитой» номли машҳур асарда бу йўллар тармоғининг илк бор «Ипак йўли» деб атади. Кейинчалик бу атамани кўпчилик тадқиқотчилар, олимлар ишлатишдан бўлишди ва одат тусига айланди.

Дарҳақиқат, Буюк ипак йўли (БИЙ) деб аталганнинг боиси қадим замонларда бу йўлдан Шарқдан Ғарбга томон асосан ипак ва ундан тўқилган матолар ташилган. Жумладан хитой ипаги Шарқий Туркистонда (Такламакон йўли атрофи) Чжоу давридаёқ (эрамыздан аввалги 1027—256 йиллар) маълум бўлган. Бу давр Хитой маданиятининг энг тараққий этган пайтига тўғри келади. Эрамыздан олдинги IV—III асрларда ипак матолар Ҳиндистонга, эрамыздан аввалги II—I асрларда эса Александрия ва Римга кибриб келади. Миллоддан олдинги I асрнинг биринчи ярмида жанговар байроқлар ипакдан тайёрланган. У пайтларда хитма-хил ипак турлари ишлаб чиқарилган. Аниқса полхромланган рангли ипак матолар жуда ноб ҳисобланарди ва улар асосан ҳади ёки соғиз-салом тарихида юқори табақаларга кишиларга берилган.

Карнон йўллари ипакдан ташқари чинни, кўзу, ширинлик, зеби-зийнат, рудан (рангли металл) каби турли хил маҳсулотлар ташилган. Жумладан, VI асрда Чочдан (Тошкентдан) Хитойга қимматбаҳо тошлар, гуз, гилам, зотли отлар, шароб юборилган. Йўл тармоқларидан савдогарлар, элчилар, ҳанжа борувчилар, сайёҳлар, хат ташувчилар, ҳарбий жангчилар, қароқчи-қўлтўсарлар юришган...

Ўлкамиз тарихида ечилмаган ўтмиш сирлари кўп. Аниқса дунё фан ва маданиятининг равишига, ҳунармандчилик ва санъат марказларининг таркиб топишига, мамлакатлараро узвий иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўрнатилишига икбий таъсир кўрсатган Буюк ипак йўлининг қўлини қирралари ҳануз жумбоқлигича қолмоқда. Сўнгги пайтларда бу масалага дунё олимлари ва сайёҳлар, умуман жамоатчиликнинг эътибори анча кучайди.


Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда 1988 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги ЮНЕСКО ҳомийлигида эрамыздан 90-йилларга Буюк ипак йўлининг «уш йиллиги» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан мамлакатимиз ва чет элларда БИЙнинг шаклланиш тарихи ва у билан боғлиқ бўлган иқтисодий-иқтисодий ўзгаришларга бағишланган кўплаб анжуманлар бўлиб ўтди ва ҳозир ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, Самарқандда (шу йилнинг 1—8 сентябрлари, октябрь ойининг охирида), Душанбеда (8—12 октябрларда) илмий семинарлар чақирилди. Уларда чет эл шарқшунослари ва олимлари ҳам иштирок этишди. Бундай анжуманларни чақиришдан асосий мақсад БИЙнинг асосий ва ёрдамчи тармоқларини излаб топиш ва улар жўғрофиясини илмий жиҳатдан

ассослаш, ўтмиш тарихимизни, кишиларнинг табиғат таъсирини, ҳудуд экологиясининг ўзгариб боришини аниқлаш, халқро, регионал ва маҳаллий аҳамиятга эга молик туристик объект қуришни режалаштириш, энг муҳими, келажакда қадимлаш Шарқ билан Ғарб халқларининг иқтисодий ва маданий алоқаларини ўр-

ни тадқиқ этиш мақсадида «Тошкент — Жамбул» йўналиши бўйлаб илмий экспедиция ташкил этилди.

Бу экспедицияда Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси илмгоҳларидан М. Р. Тихонин (илмий раҳбар, археолог), С. М. Бочкарёв, Е. А. Мишкина, А. В. Есипов (зоолог ва ботаниклар), В. И. Ленин

Сайёҳ саргузаштлари



АЖДОДЛАРИМИЗ ИЗИДАН



натган ҳамда ривожлантирган бу йўлни дунё халқларининг биродарлик, тинчлик ва самимиятли мулоқот йўлига айлантиришдан иборат.

Бу борада яқин йилларда кўплаб халқро экспедициялар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ўрта Осиё БИЙнинг Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи муҳим бўғинларидан бири бўлганлиги шубҳасиздир. Шу боис ўлкамизда ҳам БИЙ билан боғлиқ бўлган ишлар кенг қўлама олиб борилмоқда. Жумладан, Совет маданият жамағатиси Ўзбекистон жумҳурият бўлими, Ўзбекистон ўлкашунослар жамияти ташаббуси билан шу йилнинг 6—20 сентябрь кунлари оралигида куруқликдан ўтган қадимги карнон йўлининг асосий ва иккимчи тармоқлари-

ни тадқиқ этиш мақсадида «Тошкент — Жамбул» йўналиши бўйлаб илмий экспедиция ташкил этилди.

Бу экспедицияда Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси илмгоҳларидан М. Р. Тихонин (илмий раҳбар, археолог), С. М. Бочкарёв, Е. А. Мишкина, А. В. Есипов (зоолог ва ботаниклар), В. И. Ленин

Экспедиция аъзолари йўл-йўлакай жойининг археологик маконлари, табиий-жўғрофий шароитлари, экологик ва туристик имкониятлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, аҳолининг демографик ва этник хусусиятлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар тўплади. Экспедициянинг ҳар бир аъзоси ўз соҳаси бўйича илмий ҳисобот ёзадилар. Яқин орада суҳбатлар уюштириш, тадқиқот натижаларини эса илмий тўплам ҳолида чоп этиш режалаштирилмоқда.

Фикримизча, тарихий-жўғрофий тадқиқот ишларини, лоақал Ўлкамиз миёсида жонлантириш зарур. Бунинг учун қадимги қўлёзма ва китоблар, археологик ашё ва далиллар, тошларга ўйиб ёзилган ёзув, чизма ва нақшлар, ҳозиргача етиб келган эртак, афсона, ривоятлар ва ҳоказолардан унумли фойдаланиш керак ва улар ишончли натижалар беради. Бундай манбалардан олинган маълумотларни атрофлича таҳлил қилиш ва умумлашмалар яратиш муҳимдир.

Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб ўтмиш тарихимизни ойдинлаштира оладиган илмий-амалий экспедицияларни кўпроқ уюштиришни яна бир бор таъкидлаш билан Сайёҳ Шероий (XIII асрнинг бошлари, 1292 йил) айтган куйидаги гапларни келтирамиз: «Саъдат даврида қалбни қувонтирасан, ҳар хил қизиқ ва ажиб нарсаларни кўрсан, мўъжизалар тўғрисида эшитсан, шаҳар ва элатлар билан танишсан, янги дўстлар билан суҳбатлашсан, билан ва онгингни кенгайтирасан, фойдани аниқлайсан ва бойлигингни қўпайтирасан, маънавини оширасан ва келажак тақдирингни сезсан». Умричи 30 йиллик саёҳатларда Ўзбекистон, Хитой, Ҳиндистон, Озарбайжон, Мағриб ва бошқа ҳудудларни кезган жаҳонгаштанинг гапларида чуқур маъно бор.

Ҳа, халқимиз «Юрган дарё, ўтирган бўйга» деб бежиз айтмаган. Ўтмишга етаклайдиган Буюк ипак йўлида ташкил этилган турли мазмун ва йўналишдаги илмий-амалий экспедицияларда нафақат олимлар, балки аълочи ўқувчи ва талабаларнинг иштирок этиши катта аҳамиятга эга.

Абдурашул СОАТОВ,
Зокир РАЙИМЖОНОВ,
В. И. Ленин номи Тошкент Давлат
дорилфунунининг катта ўқитувчилари,
экспедиция қатнашчилари.

© СУРАТЛАРДА: экспедиция аъзолари Буюк ипак йўлларини тадқиқ қилмоқдалар.

В. Цой суратлари.


МАҚОМЛАР ЯНГРАМОҚДА...

Кўзи ожиз мақомчилар жумҳурият кўригида тадбир тақозоси билан кўриш юбилейидан маҳрум бўлган, лекин икбий истеъдоди бор одамлар иштирок этишди. Кўриқда Ўзбекистон вилоятларидан ва Қорақалпоғистондан келган 250 дан зиёд киши тўланди. Улар қўшиқ айтиш ва миллий чолгу асбобларини чалишда беллашдилар. Навоий, Фурқат, Ҳайисий, Нодира ва Ўзбек назмининг бошқа классиклари шеърлари билан айтаётган мақомлар янгради.

Биринчи ўринни Тошкент вилоятидан келган мақомчилар ансамбли, иккинчи ва учинчи ўринларни Хоразм ҳамда Бухоро вилоятларининг жамоалари эгалладилар. Яқинроқ кўшиқчилар мусобақасида Алишер Навоий шеъри билан айтаётган «Насри узор» қўшигини моҳирона ижро этган наманганлик Олимжон Сулопов

голиб чиқди. Ховандлар ўртасида Лолахон Зулдунова, Икноҳон чолғучилар орасида эса Султон Сайфуддинов энг яхши ижрочи деб топилди.

Кўриқ кўшиқна истеъдод эгаларини юзага чиқарди. — деди ҳакамлар ҳайъатининг аъзоси, Тошкент консерваториясининг ўқитувчиси, бастакор Ўлмас Расулов. — Шу билан бирга бу ерда бир қанча камчилик қолди. Кўрлар жамиятида, маданий-маърифий техникумларда кўзи ожизларга мусиқа санъатини ўргатадиган мутахассислар етиштирилти, истеъдодли кишилар маҳоратини ошириш ишлари қонқарли даражада эмас. Энди бундай кўриқларни мунтазам ўтказиб туриш режалаштирилди, деб ақунлайди ўш хабарини ЎзТАГ мухбири Венера Хабибулаева.



© «Ором ол, қўнғочим».

С. Маҳмамов сурат-лаҳзаси.

Меҳр-оқибатли бўлайлик

«ФАРЗАНДАРИМИЗдан БУЮРМАДИ»

ХИЗМАТ ювасидан ҳар кунни бирон-бир бева-бечора, бокувчис йўқ онахон ёки отахон билан учрашиб суҳбатлашаман. Гоҳо телефон орқали мулоқотда бўлиб тураман. Кўпчиликда бир хил илтимос: «Менга ёрдам беринг, соғлигининг мазаси қочди, ногирман, ҳолимдан хабар оладиган ҳеч ким йўқ». Қизиқ Ярим ой жамиятининг ноҳия меҳр-шафқат бўлимига ана шу мазмунда хатлар ҳам келиб туради.

Бутунги иш кунини ҳам шу хилда бошлади. Телефонда кимдир маълумсиз, ўзиски овозда гапирарди: — Бева аёлман, юришга малорим қолмади. Илтимос, ёрдам беринг.

Манилтоҳини сўраб, йўлга тушаман, қатор кўп қаватли уйларнинг рақамларига қараб борар эканман, ҳар сафар бир хил савол мени қийнайдди: нега қариганида ёлғиз қолди экан? Мана, 3-мавзедани 41-уй, 2-хонадон. Эшикни итараман, очилади. Ногоҳ димоғимга хонадан оғир ҳуво урилади.

— Мен Мария Андреевна Пашченкоман. Етиб қолганимга икки ой бўлди. Энди тура олмасам керак. Куч-қувватим кетди, дори-дармонлар ҳам ёрдам бермапти. Турмуш ўртоғим вафот этганига 2 йил бўлди. Ёлғизман, Иссиқ-совуғимдан онда-сонда кўни-қўшинлар хабар олиб туришади. Уларнинг ҳар доим ҳам вақтлари бўлавермайди, баъзи вақтлар 2—3 кунлаб ҳеч ким қирмайди, шифтга қараб ётавераман. Зора бирор киши қира қолса экан, дея умид қиламан.

Секин сўраб-суриштираман: ешлик даврида эр ҳам, хотин ҳам фарзанд кўришни истаман экан. Энди эса, кекса афсусланапति.

Унинг сўзларини тинглаб эканман, марҳума буювчимнинг ёдига тушди. Улар ҳаминша «Серфарзанд, сердават бўлинглар», деб

дуо қилардилар. Серфарзандликда ҳинмаз кўп экан. Бундай ондаларда қариялар ҳеч қачон хор-зор бўлмайдилар.

Авваллари ўзбек оналарини хор-зор бўлган бева-бечора, қаровчис йўқ чол-намиларлар тўғрисида умуман гап-сўз бўлмасди. Кенсаларга илтифотимиз баланд эди. Аммо ҳозир кексаёнда ёрдамга муҳтож қариялар учраб турибди.

Улар билан суҳбатлашар эканман, бир нарсани аққолроқ кўзга ташланади: улар ешлик даврларида айрим хатоларга йўл қўйиб, кексаёнларинида ёлғиз қолмоқдалар.

Эр-хотин Мельниковлар миннатдорлик хати ёзишди: «Мана, бир йилдан бери бизнинг киши ҳамшира Люба Серова келиб туради экан бўлди. Аҳволимиз анча яхшиланди. Жуда ёқимтой аёл экан, оғиримизни энгли қилаётди, ош-овқатимиздан хабар олиб турибди. Уй юмушларига ҳам ёрдам бериб туради, дори-дармонларни эса ўзи келтириб беради. Биз ундан жуда миннатдоримиз».

1, 2, 3-мавзедардаги қариялар эса, Анна Константиновна Черно ва хизматидан жуда мамнун эканлигини ёзишди.

— Менга фарзандларимдан буюрмади, — деб ёзади М. Мерзаликина, — улар мени қариган чоғимда ташлаб кетишди. Лекин мениннг ўзбек қизим бор. Маълумани жон-дилимдан севиб қолдим. У мени ўз онасидек ёъозолайди. Ҳар гал ўз қизим — ўзбек қизининг келишини интизорлик билан кутиб ўтираман. У билан уйимга нур кибриб келгандай бўлади. Кела солиб: «Яхши ётибсизми, соғлигинингиз қалай», деб сўрайди. Уни қўраман, дардларим энгилашади.

Матлуба хизмат қиладиган Чилонзор район соғлиқни сақлаш бўлимида меҳр-шафқат хизмати ташкил қилинганга ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт

ичида хизматнинг бу тури анча кўзга кўриниб қолди. Ноҳиямиз социал таъминот бўлими билан ҳамкорликча анчагина ишлар қилинди, жумладан, ҳозир бу ерда 160 та қарига тиббий, маънавий ва иқтисодий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳамширалар сони 12 тага, кичик ҳамширалар сони эса 18 тага етди. Уларнинг хизматлари нималардан иборат, деган савол туғилади.

Тиббий ҳамшира шифокорнинг назоратида барча муолажаларни бажариб, кексаларга, қаровчис беморларга дори-хоналардан керакли дори-дармонларни келтириб, уларни қандай қабул қилишини тушунтириб, ёрдам беради. Кичик ҳамшира эса бозор-учарни, уй юмушларини саранжомлашда ёрдамга муҳтож бемор қариялар жонига оро қиради.

Аммо муаммоларимиз ҳам оз эмас. Қани энди ҳар бир районда арзон нархда сабзавот-меваларни сифатлироқ қилиб сотадиган дўконлар очилса нур устига аъло нур бўларди. Чунки баъзи кексаримиз кам нафақа олишади, уларнинг лоақал ойда бир марта бозордан ҳўл мевалар сотиб олишга ҳам қўриблари етмайди. Қарияларро арзон иссиқ кийимлар сотадиган магазинлар ташкил этилса, ва ниҳоят, район ижроия комитетлари бепул иссиқ оғватларни тарқатадиган машиналар акратиб берсалар ёмон бўлмас эди.

Ҳозир биз Чилонзор ноҳия соғлиқни сақлаш бўлимида ўз жамағатимизни очдик. Ўйлаёмизки, районимиздаги ҳамма қорхона ва муассасалар ўз маблагларидан баҳоли кудрат бизга ёрдам берадилар.

1991 йилдан бошлаб биз нафақат қарияларга, балки кўп болали, бемор ва кам даромадли оилаларга ҳам хизмат кўрсата болаймиз.

Рихсидон ЗОКИРОВА,
Чилонзор ноҳияси раҳм-шафқат жамағатимизнинг катта ҳамшираси.

Кичикинтойлар сўзлаганда...

Онаси Рустамни овутиди.
— Бўлди ўғлим, йиғлама.
Рустам қўл силтади:
— Сизга эмас, дадамга йиғлаяман.

Елғиз ўзи ухлагани хоҳлаган Наргиза онасига ялинди:
— Ойи келинг, бирга ётамиз. Мен туш кўрсам сиз ҳам томоша қиласиз.

Соқоли ўсиб кетган дадасига қараб Лоабар деди:
— Вуй ойи, дадам бобо бўлиб қолибдилар.

Чойғуда шаққирлаб қайнаётган сувни кўрган Алишер ойисига деди:
— Қаранг ойи, сув пишди.

Сайфулло НАМАЗОВ.



ЮЗ ЁШ БИЛАН ЮЗЛАШИБ

Ўзбекистонимизнинг қанча фуқароси қарилек гаштини сўриб етгани билан етаклашиб, саксондан сакраб, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб, неварачевараларга бош-қош бўлиб яшаётганларини биласизми?

© Гулранлик (Хоразм) Оймонжон Моно Магназарова 105 ёшда. 100 дан ошгандан кейин тишлари янгитдан чиққан. Уч ўғил ва 90 та неварачевараси бор.

© Нуроний отахон Шоҳмад Шоисломов (Оржоникидзе ноҳияси) 104 ёш. Абдухалил ота Ҳамидов (Уйчи ноҳияси) 105 ёш. Қўзоймо Моҳаммадов (Қамаш ноҳияси) 110 ёш. Робия ая Абдуллаева (Тошкент) 110 ёшда. Узоқ умр сирини ҳалол меҳнат қилиб пок янашда, дедишли улар.

© Жумҳуриятимизда «юз»ни қаршилаган кексаларга эга бўлмаган ягона виллоят Сирдарёдир. Узининг «юз»дан олган қариялари энг қўлиги билан ҳам фахрланса арзийдиган пойтахтимизда 24326 қариянинг 158 нафари юз ёшдан ошган.

Собит ҒАФУРОВ.

Инобат МИРЗАЕВА.

ЯХШИ ТАЖРИБА ОРТТИРИЛДИ

Тошкентдаги темир йўл транспорт муҳандислари илмгоҳининг толиблари ишлаб чиқариш практикаси вақтида Амур-Ёрқистон магистраллининг Берикаит-Томнат участкасида меҳнат қилишди. Улар 10 та кўприк қуришда иштирок этди. 32 миң сўмлик иш бажардилар. Ешлар таъқирини қуриш отряди билан яна шундай шартнома тузишган эди.

Тошкентлик толиблар бундай ишни биринчи бор қилишга таянган йўқ. Амур-Ёрқистон магистраллида ишлаганларнинг кўпчилиги ўтган йили БАМда меҳнат қилган.

— Практика йиғит-қизларимиз учун фойдали бўлди, — деб ҳисоблайди гуруҳ раҳбари, муаллими Н. Крашенинников. — У бўлажак муҳандисларга тажриба ва билимдан ташқари, диплом иши учун бой материал ҳам берди.

(ЎзТАГ).

© МИРШАВБАН ХАНИҚАН ХАЙВОН

ИСПАНИЯНИНГ Валенсиа вилоятидаги Эльда шаҳрида яшовчи Альмедралелар онаси хонада боқиб учун кучуқча олиб келинди. Унга Зорро лақаби берилди. Зорро икки йил боқилгач хонадонга ва унинг ағаларига жуда ўғриб қолди. Пойлоқчилик вазифини бажарётган юввош Зорронинг баъзи кунлари кўчага олиб чиқиб сайр қилдириб ҳам келишар эди. Бир кунни шундай сайр

пайтида Зорро ва унинг эгасига тўсатдан йўлгўзар бегонилар ҳужум қилиб қолди. Зоррога буюрғу берилганида, у безориларга рақиблашиб, бирини қўлаб ҳайдайди, иккинчисини ерга булгаб, кийим-бошларини бурда-бурда қила бошлади. Безорининг додлаб ёрдамга чиқриган овозига дарҳол полициячи етиб келди. Уни кўрган заҳоти Зорро тинчланиб, рақибини қўйиб юборди. Кейинчалик маълум бўлишича, Зорро оддий кучук эмас, балки ўрмонларда учрайдиган йиртқич ҳайвон гепард болсан экан.

© ОДАМХўР ЙўЛБАРС ВА ҚОҢЛОНЛАР

ХИНИСТОН Н И Н Г Мадьяна — Прадеш штатидаги Балахат районига одамлар кўчага чиқмага қўриқ қилишди. Бунга сабаб, яқинда бу жойда пайдо бўлган қолган одамхўр йўлбарс ва икки ваҳший қолпон эди. Бу ваҳший ҳайвонлар ҳеч қутилмаганда чангалзорлардан чиқиб одамларга, уй ҳайвонларига ҳужум қилишар экан. Ҳозиргача 12 киши уларга еб бўлган ва 150 киши оғир жараҳат олган. Ҳайвонлар аҳолининг 1300

дан кўпроқ қўй ва ситгрларини ўғирлаб кетишди.

Олимларнинг фикрларига қараганда ўрмонларнинг қўлаб кесилиши ҳайвонлар оромини бузилишга, жаҳлини чиқаришга сабабчи бўлган. Кўпгинада бир вақтлар одамларга тегайдиган йўлбарслар, қоллонлар энди ҳужум қилишгача боришмоқда экан.

© ОТА РИЕЗАТЧИ

БўЛГА

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Зо-лотун шаҳрида яшовчи Эстер ва Леонард Шверценбурглар онаси фарзандли бўлишини оранқиб куттишди.

Нихоят улар онасида ўғил туғилди. Бу воқеадан хурсанд бўлган ота туғини Катет деган исм қўлди, чунки ота маҳаллий янмазида математика ўқитувчиси эди. Онладан иккинчи ўғил туғилгач, ота унга Тангенс деган исм ташлади. Кейин унинг фарзанд, нис туғилди. Ота ўз қизига Гинетюна эа исминин ташлаган эди, бу исм онага маъқул тушмади. Натияжада онлайин жанжалдан сўнг қизалоқнинг исми қўлашди Анна-Мари бўлди.

Тўпловчи:



Душанба, 12

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгилликлар. 18.10 «Озодалик кунин»...

восита мулоқот. 23.20 «Наврӯз-90». Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозғоғистон театраларининг фестивали...

22.20 «Кўҳна тоғлар афсонаси». Бадий фильм. ТЕЛЕТОМОШАВИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

12.00 «Дуня бўйлаб». Альманах. 13.00 «Время». * * *

Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Футбол шарҳи.

Иссиқлик двигателлари. 10.05 Италия тили. 11.05 «Сиз яратган боғ».

20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Самоделькин сув остида».

Сешанба, 13

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгилликлар. 18.10 «Мушук Леопольднинг авто-мобили»...

20.25 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ешлар куйлаганда»...

7.00 «120 минута». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Клим Самгиннинг ҳаёти»...

12.00 «Дуня бўйлаб». Альманах. 13.00 «Время». * * *

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15, 12.10 «Мебус»...

11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланганлар учун. 11.35, 12.45 Биология...

20.25 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Япон ўйинчоқлари»...

Чоршанба, 14

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Физика. Ерусликнинг корпускулар ва тўлиқ табиғати.

18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Сознда севги аасфи»...

7.00 «120 минута». 9.05 «Бор бўл, мусиқа!». 9.35 «Клим Самгиннинг ҳаёти»...

17.15 «Компьютер билан мулоқот». 18.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан)...

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15, 11.55 Илмий-оммабоп фильмлар...

11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланганлар учун. 11.35, 12.35 Физика...

«...16 ёшгача ва ундан катталар» кўрсативига илова. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Пайшанба, 15

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. Уруғга яширинган сир.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ешлик оқшоми». 20.30 «Ахборот»...

7.00 «120 минута». 9.05 Мультифильмлар: «Мафин ва унинг қувноқ дўстлари»...

17.15 «Компьютер билан мулоқот». 18.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан)...

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар...

12.05 Испан тили. 2-йил шуғулланганлар учун. 12.35, 13.35 Физика...

19.30 Коллаж. 19.35 «Унинг исми — Жаҳоҳар-лар Нуру»...

Жума, 16

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Зоология. Балиқлар. Уларни муҳофаз қилиш.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Янги атамалар». Жумҳурият атамашунослик қўмитаси аъзолари билан учрашу.

7.00 «120 минута». 9.05 Мультифильмлар: «Мафин ва унинг қувноқ дўстлари»...

17.15 «Компьютер билан мулоқот». 18.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан)...

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар...

12.05 Испан тили. 2-йил шуғулланганлар учун. 12.35, 13.35 Физика...

19.30 Коллаж. 19.35 «Унинг исми — Жаҳоҳар-лар Нуру»...

Шанба, 17

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатуви. * * * * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Сехри самовар». Мультифильм. 18.15 Усмиллар учун...

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатуви. 9.55 Бизнинг ҳазинамадан...

17.15 «Компьютер билан мулоқот». 18.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан)...

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар...

12.05 Испан тили. 2-йил шуғулланганлар учун. 12.35, 13.35 Физика...

19.30 Коллаж. 19.35 «Унинг исми — Жаҳоҳар-лар Нуру»...

Якшанба, 18

8.00 «Хафтаноме» (такрор.). * * * * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Кичкинтой» программаси. 18.40 «Тарона» (КҚМЖ) ва «Шодивна»...

9.00 «Савта калом». Адабий-мусиқий кўрсатуви. 9.55 Бизнинг ҳазинамадан...

17.15 «Компьютер билан мулоқот». 18.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан)...

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар...

12.05 Испан тили. 2-йил шуғулланганлар учун. 12.35, 13.35 Физика...

19.30 Коллаж. 19.35 «Унинг исми — Жаҳоҳар-лар Нуру»...

ТОШКЕНТ ОҚИОМИ
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Вайроқ ордедли босмаҳонаси Тошкент шаҳри.